

## ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ

9«12»2022 yil.

214-12-217-МТ/2022-son

Кейинги уринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган «**Хива шаҳар мактабгача таълим булими**» номидан Низом асосида иш кўрувчи бошлиги **Г.Мадримова** бир томондан, кейинги уринларда «Пудратчи» деб юритиладиган «**Хива Фаррухбек курилиш ИТК**» **МЧЖ** номидан Устав асосида иш курувчи **Режабов Ф.Б.** иккинчи томондан «**Хива шаҳар 4-сон МТБга қарашли биносини жорий таъмирлаш**» буйича мазкур пудрат шартномасини туздилар.

### I. ТАЪРИФЛАР

1. Мазкур шартномада куйидаги таърифлар қулланилади;

**-ижро ҳужжатлари** – натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъул булган шахслар томонидан уларга киритилган узгаришларнинг ушбу ишчи чизмаларга мувофиқлиги тугрисидаги ёзувлар билан биргаликда объект курилишига ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва урнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларини бажаришда қулланиладиган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тугрисидаги далолатномалар, айрим масъулиятли конструкциялар оралик даврда қабул қилиниши тугрисидаги далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг яқка тартибдаги синови тугрисидаги далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари ҳамда курилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар;

**-қурилиш майдони** – мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома буйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг курилиш майдони чегараси ажратиб қуйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошқа белгилар билан белгилаб қуйилади;

**-вакцинчалик иншоотлар** – Пудратчи томонидан курилиш майдонида урнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур булган ҳар қандай типдаги вакцинчалик бинолар ва иншоотлар;

**-беркитиладиган ишлар** – сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин булмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

**-шартнома нархини булиб чиқиш** – ишларнинг ҳар бир босқичи ва ёки турлари қийматини аниқ белгилаган ҳолда шартнома буйича объектнинг умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

### II. ШАРТНОМА МАВЗУСИ.

2. Пудратчи мазкур шартнома шартларига мувофиқ «**Хива шаҳар 4-сон МТБга қарашли биносини жорий таъмирлаш**» объектида қузда тутилган лойиха буйича жорий таъмирлаш ишларини бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига жорий таъмирлаш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва туловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

### III. ШАРТНОМА БУЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ.

3. Мазкур шартнома буйича ажратмалар ва пудратчининг бошқа харажатларини уз ичига олган ҳолда жорий нархларда Пудратчи томонидан бажариладиган, ишлар қиймати барча солиқлар, йигимлар, **57000000 (эллиқ етти миллион) сўмни ККС билан** ташкил этади.

4. Ишлар киймати узил-кесил хисобланади ва кейинчалик қайта қуриб чиқилиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

- қурилиш кийматини қупайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;

- ишлар киймати Буюртмачи томонидан узгартирилганда;

- объектнинг қурилиши бир йилдан ортиқ муддатга узгартирилганда.

5. Қурилиш муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

6. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб утилган узгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи уртасидаги шартномага қушимча битим билан расмийлаштирилади.

#### **IV. ПУДРАТЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ.**

7. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг II бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

- қурилиш майдонига зарур қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникасини етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, оморга жойлаш ва саклашни таъминлайди;

- қурилиш майдони ҳудудида вақтинчалик иншоотлар қуриш;

- Буюртмачини субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мавзуси, субпудратчининг номи ва манзили тугрисида хабардор қилиш;

- қурилиш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф муҳитни, утказилган дарахтларни ва ер участкасини муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шунингдек ёритиш чироклари урнатиш;

- қурилиш таваккалчиликларини сугурта қилиш;

- мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тугрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда қурилиш майдонини узига тегишли қурилиш машиналари ва асбоб – ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлар конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бушатиш;

- қурилиш майдони курикланишини таъминлаш;

- қурилишда таваккалчилик сугуртаси учун белгиланган суммага сугурта ташкилотларидан бири билан таваккалчилик сугуртаси тугрисида шартнома тузади ва сугурта шартномаси билан сугурта полисини буюртмачига тақдим қилади.

- мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тулик ҳажмда бажариш мажбуриятини уз зиммасига олади.

8. Пудратчи мавжудлигини қафолатлаган узининг 20% га тенг бўлган ва унга хизмат курсатувчи банк томонидан берилиши қафолатланган 20% айланма маблағларини мазкур шартномада қўзда тутилган объект харажатлари учун унумли ишлатиш мажбуриятини олади.

9. Пудратчи объектни фойдаланишга топшириш учун Буюртмачига барча ишлар бажарилганини исботловчи ҳужжатларни (исполнительная документация) тулик ҳажмда тақдим қилади.

10. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг уз қўчлари билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун Буюртмачи олдида тулик мулкый жавоб беради.

#### **V. БУЮРТМАЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ**

11. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

- мазкур шартномага мувофик ишларни бажариш учун ярокли булган курилиш майдонини объект курилиши ва курилиш тугаллангунгача булган даврга далолатнома буйича Пудратчига бериш;
  - ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-курилиш назоратини ва мазкур шартномада кайд этилган Пудратчи томонидан кабул килинган мажбуриятлар ва бошка функцияларга риоя этилишини назорат килиш, Пудратчидан тугалланган ишларни кабул килиб олишни таъминлаш;
  - Пудратчининг барча мурожаатларини ун кун муддатда куриб чиқиш ва қарор кабул килиш;
  - молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига 1-иловага мувофик аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;
  - Пудратчига ишларни кабул килиш учун зарур булган ижро ҳужжатлари рўйхатини тақдим этиш;
  - мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тулик ҳажмда бажариш мажбуриятларини олади;
12. Буюртмачи мазкур шартномада кузда тутилган уз мажбуриятларини бажармаса ёки етарли тарзда бажармаса пудратчи олдида тулик мулкый жавоб беради.

#### **VI. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ.**

13. Шартнома томонлар уни имзолагандан ва Ҳазначилик бўлинмасидан рўйхатдан ўтказилгандан кейин юридик кучга киради.
14. Пудратчи мазкур шартномага илова килинган ишларни бажариш жадвалига мувофик ишларни бажаради
15. Объектни 2022 йил «20» декабрда фойдаланишга топширилиши белгиланади.

#### **VII. ТУЛОВЛАР ВА ХИСОБ – КИТОБЛАР**

16. Шартнома буйича узаро ҳисоб-китоблар миллий валюта - «сумда» килинади.
17. Буюртмачи мазкур шартнома буйича ишлар умумий жорий кийматининг 30% миқдорида аванс утказади, бу **17100000(ўн етти миллион бир юз минг)** сумми ККС билан ташкил этади.
18. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун бюджетдан мақсадли берилган маблағлар уч банка қунида молиялаштириш ва ишларни бажариш жадвали асосида амалга оширилади.
19. Буюртмачи томонидан жорий молиялаштириш бажарилган ишлар ҳажми ва сифати текширилиб кабул килингандан кейин ҳақиқий бажарилган ишлар кийматидан берилган аванс суммасини пропорционал ушлаб қолган ҳолда молиялаштириш жадвали буйича амалга оширилади.
20. Пудратчининг ҳисоб рақамига тушадиган маблағлар ушбу объект курилиши харажатларига, шунингдек таъминотчиларга, объект курилишига зарур булган материаллар, техника ресурслари, меҳнатга ҳақ тулаш, объект курилишида иштирок этаётган ёрдамчи ташкилотларга тулаш учун ва Ушбу объект курилишининг бошка харажатларига қатъий сарфланади.
21. Пудратчи жорий молиялаштириш учун ҳисобот ойнанинг охири кунигача ва якуний молиялаштириш учун ҳисоб китоб учун курилиш монтаж ишлари миқдори, харажатлари тугрисидаги «Бажарилган ишлар киймати тугрисидаги маълумотнома ҳисоб-варак-фактурани» узи тузиб тақдим қилади. Буюртмачи бажарилган курилиш-монтаж ишларининг миқдори, сифати ва харажатларини текшириб кабул килиб имзолайди.
22. Буюртмачига жорий молиялаштириш ва якуний ҳисоб-китоб учун, бажарилган курилиш-монтаж ишларини миқдори, сифати ва харажатлари текширувидан сунг

Пудратчи томонидан тузиладиган ва Буюртмачи томонидан қабул қилиб имзо чекиладиган «Бажарилган ишлар қиймати тугрисидаги маълумотнома-хисоб-варақ-фактура» асос булади.

23. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома буйича объектга мулк ҳуқуқини узида саклайди. Объект Буюртмачига топширилгунга қадар объектнинг тасодифий йук қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида булади.

#### **VIII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ.**

24. Буюртмачи қурилиш майдонида уз вақилини – техник аудиторни тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

25. Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тусиксиз танишиш ҳуқуқига эгадир.

26. Пудратчи техник аудиторни ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник аудитор пудратчи томонидан утказиладиган қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо булувчи масалаларни ҳал қилиш буйича йигилишларда мунтазам равишда катнашади.

27. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг VI-булимида курсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган уз режаси ва иш жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

28. Пудратчи Буюртмачининг манфаатларига жиддий таъсир қилмайдиган иш ҳужжатларидан майда четга чиқишларни Буюртмачининг розилигисиз амалга оширса, у агар буларнинг қурилиш сифатига таъсир этмаганлигини исботласа жавобгар ҳисобланмайди.

29. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у ҳолда Пудратчи уз қучлари билан ва қурилиш қийматини қупайтирмасдан ушбу ишларни уларни зарур сифатини таъминлаш учун қелишилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни қелишилган муддатларда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг қечиқиши оқибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тулайди.

30. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача Пудратчи ишларни бажариш дафтари юритади. Дафтарда бутун ишларни бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг узаро муносабатларида аҳамиятга эга булган ҳоллар ва ҳолатлар (ишларни бошланиши ва тамом булиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар курсатилиши санаси, ишларни қабул қилиб олиниши, утказилган синовлар, материаллар уз вақтида етказиб берилмаслиги билан боғлиқ тухтаб қолишлар, қурилиш техникасининг ишдан қикиши тугрисидаги маълумотлар, шунингдек қурилишни тугаллашнинг узил-қесил муддатига таъсир қилиши мумкин булган барча маълумотлар) ақс эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қоникмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарида уз фикрини баён қилади.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда курсатилган қамчиликларни 3 қун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини қуриш мажбуриятини уз зиммасига олади.

#### **IX. ЕНГИБ БУЛМАЙДИГАН ҚУЧ (ФОРС-МАЖОР) ҚОЛАТЛАРИ.**

31. Агар ушбу шартнома буйича мажбуриятлар қисман ёки тулик бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошка енгиб булмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чикса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тулик бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома буйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб булмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга муносиб равишда узайтирилади.

32. Агар енгиб булмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан қў вақтга қўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай қоралар қўрилишини муҳоқама қиладилар.

33. Агар томонлар икки ой ичида қилиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

#### **XI. КАФОЛАТЛАР.**

34. Пудратчи:-барча ишларни тулик ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;- лойиҳа ҳужжатларига ҳамда қўрилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариш сифатини;

- узи томонидан қўрилиш учун қўлланиладиган қўрилиш материаллари, асбоб-уқуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиҳа ҳужжатларида қўрсатилган сертификатларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини;

- ишларни қабул қилиш ва объектдан қўйдаланишнинг қафолатли даврида аниқланган қамчиликлар ва нуқсонларни уз вақтида бартараф қилишни;

- объектдан қўйдаланилганда муҳандислик тизимлари ва уқуналарнинг қўйдаланиш қоидаларига мувофиқлигини қафолатлайди.

Мавжуд нуқсонлар ва уларнинг бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама қўлолатномасида қайд этилади.

Агар Пудратчи бажарилган ишлардаги нуқсонлар ва қала ишларни, жумладан уқуналарнинг қамчиликларини қўлолатномада қўрсатилган муддат ичида бартараф этмаса, у ҳолда Буюртмачи мазкур шартноманинг умумий суммасини 5% миқдорида қарима қилиш ҳуқуқига эга.

#### **XII. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ.**

35. Буюртмачи:

- шартнома қўчга қиргандан қейин қарий таъмирлаш бошланиши Буюртмачига қўглик булмаган сабабларга қўра Пудратчи томонидан бир ойдан қў вақтга қечиктирилганда;

- ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортик муддатга қўпайган ҳолда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш қадвалига қўоя этилмаганда;

- Пудратчи томонидан шартнома шартлари қўрилиш меъёрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати қасайишига олиб қеладиған қаражада қўзилганда;

қўнун ҳужжатларига мувофиқ бошка ақослар буйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

36. Пудратчи:

- ишларнинг бажарилиши Пудратчига қўглик булмаган сабабларга қўра Буюртмачи томонидан икки ойдан ортик муддатга тухтатиб қўйилганда;

- Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари умуман бажарилмаганда; конун ҳужжатларига мувофик бошқа асослар буйича шартноманинг бекор килинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

37. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қушма қарорига қура тугалланмаган қурилиш бир ой муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тулайди.

38. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур булим қоидасига мувофик иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

39. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тулайди.

40. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йул қуйилмайди, конун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

### **XIII. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ.**

41. Товарларни етказиб бериш муддатлари кечиктириб юборилган, тўлиқ етказиб берилмаган, ишлар бажарилмаган ёки хизматлар кўрсатилмаган ҳолларда, товар етказиб берувчи (пудратчи) сотиб олувчига (буюртмачига) кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурий бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар, бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим.

42. Агар етказиб берилган товарлар, бажарилган ишлар ёки кўрсатилган хизматлар сифати, ассортимент ва нави бўйича стандартлар, техник шартлар, намуналарга (эталонларга) қонунчиликда ёки хўжалик шартномасида белгиланган бошқа мажбурий шартларга мос келмаса, сотиб олувчи (буюртмачи) товарларни (ишларни, хизматларни) қабул қилиш ҳамда уларнинг ҳақини тўлашни рад этиб, етказиб берувчидан (пудратчидан) сифати, ассортимент ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар (ишлар ва хизматлар) қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима ундириб олишга, агар товарлар (ишлар ва хизматлар) ҳақи тўлаб қўйилган бўлса, тўланган суммани белгиланган тартибда қайтаришни талаб қилишга ҳақлидир.

43. Етказиб берилган товарлар (ишлар, хизматлар) ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун сотиб олувчи (буюртмачи) етказиб берувчига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорида пеня тўлайди.

44. Тарафлар мазкур шартномани расмийлаштиришда Ўзбекистон Республикасининг "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги қонуни доираси иш кўрадилар.

### **XIV. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ.**

45. Томонлар ўртасида ушбу шартнома бўйича низолар ва келишмовчиликлар улар ўртасида музоқара ўтказиш ёли билан ҳал қилинади.

46. Агар низо ва келишмовчиликларни музоқаралар ёли билан ҳал қилиб бўлмаса, улар конун ҳужжатларида белгиланган тартибда иқтисодий суд орқали ҳал қилинади.

### **XV. АЛОХИДА ШАРТЛАР**

47. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли булган томонлар уртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг узаро келишувлари уз кучини йукотади.

48. Пудратчи курилиш объектига ёки унинг алохида қисмларига тегишли иш хужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

49. Мазкур шартномага киритилган барча узгартириш ва қушимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

50. Буюртмачи билан Пудратчи уртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай ахдлашувни томонлар мазкур шартномага қушимчалар ёки узгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

51. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар яқунлангандан кейин курилиш майдонида узига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи курилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарилган ишлар учун унга ҳақ тулашни кечиктиришга ҳақлидир.

52. Мазкур шартноманинг жорий нархлардаги келишилган суммаси меъёрий-қонун ҳужжатларига К.К.С. тугрисида узгартиришлар киритилса қайта куриб чиқилади.

53. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари қўлланилади.

54. Мазкур шартнома томонлар имзолагандан ва Газначилик бўлинмасидан руйхатдан ўтказилганидан кундан бошлаб қучга қиради ва барча қузда тутилган шартнома шартлари тулалигича бажарилгунга қадар амал қилади.

55. Мазкур шартнома бир хил юридик қучга эга бўлиб 3 нусхада тузилди.

#### **XVI. Томонларнинг коррупсияга қарши курашиш бўйича мажбуриятлари**

56. Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришда Томонлар коррупсияга қарши курашиш бўйича қоидаларга, шу жумладан амалдаги қонунларга риоя этилишини таъминлайди; яъни томонлар бир-бирига ёки давлат иштирокидаги ташкилот ходимига пора бериш ёки пора беришда воситачилик қилиш, моддий ёки номоддий наф олишдан тийилиши лозим. Томонлар ушбу ҳаракатларнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар қабул қилинишини қафолатлайди.

57. Томонлар коррупсияга қарши қоидалар бузилганда ёки асосли гумонлар йузага келганда дарҳол ёзма равишда (электрон почта орқали) ёки ишонч телефони орқали бир-бирини хабардор қилиш мажбуриятини олади. Бунда томонлар йузага келган ҳолатга оидинлик киритиш мақсадида ёзма изоҳ талаб қилиш ҳуқуқига ега ва мурожаатни олган томон 10 (ўн) иш куни мобайнида тушинтириш бериши ёки ўз фикрини билдириши мумкин.

58. Мазкур бобнинг талаблари бажарилмаганда, шу жумладан белгиланган муддатда коррупсион ҳавф-хатар бартараф этилмаса, томонлар амалга оширган чоралар коррупсион ҳолатни пасайишига олиб келмаса, бошқа томон шартномани бекор қилиш ҳуқуқига ега ёки унинг ижросини тўхтатиб қўйиши мумкин

#### **XVI. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ.**

**ПУДРАТЧИ:**

**БУЮРТМАЧИ:**

«Хива Фаррухбек курилиш» ИТК

Хива шаҳар МТБ(Марказлашган)

(бюджетдан маблағ олувчининг номи)

Манзили: Хива тумани  
саёт кишлоги  
Тел/факс : 99-702-29-29  
СТИРи 301369464  
Х/раками 20208000904809139001  
Банк номи : Микрокредитбанк Хива  
МФО 00578  
ОКОНХ


Манзил \_Хива шаҳар А.Темур 31уй  
Тел.: 62-226-20-22 Факс: 62-226-20-21  
Харидорнинг СТИРи 305153644  
Харидорнинг ОКОНХи 84113  
Харидорнинг ғазначиликдаги ШХВ:  
100022860334067091100251015+  
Молия вазирлиги Ғазначилиги\_  
ЕКС (Единый Казначейский счет):  
23402000300100001010  
Банк номи Марказий Банк Тошкент  
МФО 00014  
Ғазначилик бўлинмасининг СТИРи  
201122919

Рахбар  Ф.Режабов



Рахбар:  Г.Мадримова



	<b>Hujjat <u>elektron raqamli imzo</u> orqali imzolangan.</b> Elektron raqamli imzoning haqiqiyligini tekshirish uchun <b>QR Code</b> ni skanerlang.	
	Imzolovchi F.I.SH.	GULNORA MADRIMOVA MASHARIPOVNA
	Imzolangan sana	09.12.2022 14:56
	Hujjat kodi	<b>YI0683766674</b>
	Hulosa kodi	<b>EJ4681645573</b>



**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN  
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA HUQUQIY  
XULOSA**

EJ4681645573

1. Loyihaning turi : Shartnoma
2. Loyihaning nomi: **Pudrat shartnomasi**
3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot: Xiva shaxar Maktabgacha ta'lim bo'limi tomonidan 07.12.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Xiva shahar yuridik  
markazi  
bosh yuristkonsulti:**



**M.M.RUSTAMOV**

09.12.2022

Хива шаҳар МТБ га қарашли 4-сонли давлат мактабгача таълим ташкилоти биносини жорий таъмирлаш бўйича "Хива Фаррухбек қурилиш" ИТҚ ойлар давомида молиялаштириш графиги

(МИНГ СУМ)

Т/р	Объект номи ва манзили	Хажм бирлигининг киймати	2022 йил учун молиялаштириш киймати												
			1-чорак			2-чорак			3-чорак			4-чорак			
			Январ	Феврал	Март	Апрел	Май	Июн	Июл	Август	Сентябр	Октябр	Ноябр	Декабр	
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	
1	Хива шаҳар МТБ га қарашли 4-сонли давлат мактабгача таълим ташкилоти биносини жорий таъмирлаш ишлари	57 000,000													57 000,000



Бюро раиси:



Апарат раиси:

Хива шаҳар МТБ га қарашли 4-сонли давлат мактабгача таълим ташкилоти биносини жорий таъмирлаш бўйича "Хива Фаррухбек қурилиш" ИТК ойлар давомида бажариш графиги

(минг сум)

Т/р	Объект номи ва манзили	Хажм бирлигининг киймати	2022 йил учун молиялаштириш киймати												
			1-чорақ			2-чорақ			3-чорақ			4-чорақ			
			Январ	Феврал	Март	Апрел	Май	Июл	Июл	Август	Сентябр	Октябр	Ноябр	Декабр	
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	
1	Хива шаҳар МТБ га қарашли 4-сонли давлат мактабгача таълим ташкилоти биносини жорий таъмирлаш ишлари	57 000,000													57 000,000

